



БИРДАМЛИК, ДЎСТЛИК ВА ЖИШСЛИК ШИОРИ ОСТИДА

Тошкентда ўтаётган биринчи Марказий Осиё ўйинлари ва ниҳоясига етган «Президент кубоги» халқаро турнири ҳақида махсус мухбирларимиз Шароф Умурзоқов ва Даврон Аҳмад хабар қиладилар.



Биринчи Марказий Осиё ўйинлари машғулиси ана шундай ёқилди.



Хуан Антонио Самаранч:

«ЎЗБЕКИСТОН МЕНГА ЁҚИБ ҚОЛДИ»

Марказий Осиё ўйинлари очилиши арафасида Халқаро Олимпия кўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч билан оммавий ахборот воситалари вакиллари-нинг учрашуви бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси, Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси президенти Собир Рузиев бошқариб борди. Шунингдек учрашувда Осиё олимпия кўмитаси масъул котиби Сингх, Россия Федерацияси миллий олимпия кўмитаси президенти, ХОК ижроия кўмитаси аъзоси Виталий Смирновлар ҳам иштирок этдилар.

Жаноб Хуан Антонио Самаранч мухбирларнинг савол-жавобига жавоб бериб, жумладан шундай деди:

— Ўзбекистонга иккинчи бор келишим. Утган йилнинг апрель ойида мамлакатимизда бўлганимда Президент жаноб Ислам Каримов билан бўлган суҳбатда

Осиё мамлакатларининг биринчи ўйинлари ўтди. Мен бугун шунини мамнуният билан айта оламанки, бу тадбирга пухта хозирлик қилибди. Жойларда бўлдим. Ўйингоҳлари бориб кўрдим. Беш мамлакат миллий олимпия кўмиталари раҳбарлари билан мулоқотда бўлдим. Улар ақллилик билан Марказий Осиё ўйинларини ўтказиб туриш тарафдори эканликларини айтидилар. Тошкентда беш мамлакат спортчиларини тўлаб яхши тадбирга асос солишган экан, жaxon халқлари ўртасидаги алоқаларни мустақкамлаш, спортни янада оммавийлаштириш йўлидаги бу ибратли ташаббус сўзсиз тақдирга лойиқдир.



Тошкентда кичик Осиё ўйинларини ўтказишни тақлиф қилгандим. Ўзбекистон Президенти бу тақлифимни бажонидил қабул қилганди. Мана, Тошкентда Марказий

Халқаро олимпия кўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч ўз сўзининг охирида Ўзбекистонга унга ёқиб қолганини, яъни орада бу юрта бажонидил яна келиш ниятида эканлигини билдирди.

УЗОҚ ВАҚТ ЭСЛАБ ЮРАДИЛАР

«Президент кубоги» учун Тошкентда ўтказилган халқаро турнири ниҳоясига етди

халқаро теннис таснифи бўйича тўланган иштирокчиларнинг маҳорати ва тажрибаси анча юқоридир. Мисол учун испаниялик Хорди Аресосни олиб кўрайлик. У жaxon теннис таснифида 23-ўринга кўтарила олган. Ёки Давин Франко ўсимирлар ўртасида жaxon биринчилиги совриндори, 1991 йилги Франция очик биринчилигининг чорак финалчиси.

Дастлабки турда Дмитрий Томашевич, Темир Хонжўаев, Темир Фуломовлар анча кучли рақибларга дуч келишди. Д. Томашевич испаниялик Майя Карлосга, Темир Хонжўаев эса швейцариялик Магнус Густафсонга ютказди. Олег Огородов биринчи босқични муваффақиятли ўтаб, исроиллик Офер Селани 7:6 ва 6:2 ҳисобларда енгган бўлсада, кейинги босқичда венгриялик Шандор Нозалига рўйбарў бўлди. Теннисчимиз утган йил ҳам Ш. Нозали билан рўйбарў бўлган ва мағлубиятга учраганди. Бу сафар ҳам утган йилги ҳолат такрорланди. Бирок Ш. Нозали кейинги босқичда аргентиналик Карлос Голис-Дюасдан 5:7 ва 5:7 ҳисобларида енгилди.

Халқаро турнирнинг бош соврини учун финалда испаниялик Хорди Аресос ва марокшаллик Карим Аламини учрашди. Финалчилар ҳақида қисқача маълумот:

КАРИМ АЛАМИ


1973 йилда Касабланка шаҳрида туғилган. 1994 йили Касабланка халқаро турнири финалчиси. Марокаш командаси сафида киятлик иштирок этган. Шунингдек Барселонада ўтказилган Олимпиадада ҳам муносиб қатнашган.

ХОРДИ АРЕССЕ

1964 йили Испаниянинг Барселона шаҳрида туғилган. 1992 йили Барселонада ўтказилган Олимпиадада кумуш медалга сазовор бўлган. Сан-Ремо, Прага, Мадрид, Буэнос, Генуе, Афина, Хильверсуларда ўтказилган йирик турнирлар ғолиби. Мамлакат терма командаси сафида Дэвис кубогида катнашган. Хозирда халқаро теннис таснифида 57-ўринда.

Финал бахс бошлангичи билан Карим А. Аресосе ташаббусини қўлга олиб ва тўрт геймгача олдинда борди. Бирок, Карим Аламини ҳисобида 4:4 қилган ташаббусини буткул қўлга олди ва биринчи сетни ўз фойдасига 6:4 ҳисобда тугатди. Шундан сўнг Марокшаллик теннисчи зарбаларига рақиб дош беролмади. Кучли зарбалари ва кутилмаган ҳаракатлари билан рақибини довлартириб қўйган Карим Аламини мухлислар бот-бот қарсақлар

билан олқишлаб турдилар. Каттарасига олти геймда ғолиб келган К. Аламини биринчи ўринни эгаллади. Халқаро турнир тугади. Теннис мухлисларига катта байрам ва мактаб бўлган мусобақалар нафақат унинг иштирокчиларида балки шу спорт шайдоларида ёрқин таассурот қолдирди. Халқаро турнир ёпилиши олдидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов кўлидан муқофотларни қабул қилиб олган Карим Аламини ва Хорди Аресосе миёнаторчилик билдирган эканлар. Тошкент турнирини узоқ вақт эслаб юражакларини айтидилар.



Суратда: «Президент кубоги» соҳиби марокшаллик Карим Аламини.

ҒОЛИБЛАР

Биринчи Марказий Осиё ўйинлари программасига киритилган юнон-рум кураши, эркин кураш, мерганликнинг ойрам турлари бўйича ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. Ғолиблар билан ташишинг:

ЮНОН – РУМ КУРАШИ:

48 килограмм. Дмитрий Коршунов
57 килограмм. Шамсиддин Худойбердиев
62 килограмм. Аслиддин Худойбердиев
130 килограмм. Шермухаммад Қўзиевлар биринчи ўринни эгаллаб олтин медал билан тақдирландилар.

Шунингдек, яна ўзбекистонлик полвонлардан Дилшод Орипов 52 килограммгача, Григорий Пуляев — 68 килограммгача, Ражаб Ражабов — 74 килограммгача, Руслан Сундеев — 82 килограммгача вазнда иккинчи, Исомжон Кенжаев — 100 килограммгача вазнда учинчи ўринни эгалладилар.

ЭРКИН КУРАШ

Ўз вазнларида биринчи ўринни эгаллаган полвонларимиз:
Шерзод Йўлдошев (48 кг)
Рамил Исломов (62 кг)
Борис Будаев (74 кг)
Руслан Хинчагов (82 кг)

Геннадий Жилцов (130 кг).
Атхам Очилов (52 кг), Бахтиёр Рахимов (68 кг), Хошим Ҳақимов (90 кг), Олег Болонов (100 кг)лар иккинчи, Абдулхай.Зуфаров (57 кг) учинчи ўринни олди.

МЕРГАНЛИК

Шухрат Аҳмедов 25 метрга тўпнотчадан отишда 690 очко билан Марказий Осиё ўйинлари ғолиби бўлди. У иккинчи ўринни эгаллаган

қозоғистонлик Владимир Вохмяниндан 11 очко ўзиб кетди. Шунингдек, Шухрат Аҳмедов, Энвер Осмонов ва Дилшод Мухторовлардан иборат терма жамоамиз

МП — 8 машқида команда ҳисобида олтин медалга сазовор бўлишди. Аёллар баҳсида ҳам Ўзбекистон мерганлари (Юлия Савинич, Татьяна Кобрисева, Наталья Долбинина) ғалаба қозондилар.

УЧ ДИЛШОД ВА ЯНА ОЛТИ БОКСЧИМИЗ ФИНАЛДА


«АЛПОМИШ» спорт саройида ўтказилган бокс мусобақалари кеча ниҳоясига етди. Марказий Осиё ўйинлари программасидаги дастлабки беллашувлар Ўзбекистон вакиллариининг тўла устунлигида ўтди. Ҳакамлар даярли ҳар вазнда Ўзбекистон вакиллариининг қўлини кўтарди.

67 килограммгача вазнлилар баҳсида Наримон Отаевнинг Японияда ўтказилган Осиё ўйинлари ғолиби Нуржон Сманов билан бўлган беллашуви ниҳоятда кескин ва қизиқарли ўтди. Таъриба жихатидан Қозоғистон вакиллариининг устунлиги бор. У шу вақтгача 256 марта рингга чиққан бўлиб, унинг 240 тасини ютган. 62 та халқаро учрашувлар ўтказиб, бирортасида ютқазмаган. Наримон Отаев эса

188 марта рингга чиққан. 35 та халқаро учрашувнинг 30 тасида устун келган. Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинларида ана шу икки боксчининг баҳси Қозоғистон вакиллариининг ғалабаси билан якунланганди. Наримон Отаев қандай бўлмасин мағлубият аламини олишга иштиқманд эди. Шунинг учун ҳам дастлабки раундлардаёқ ҳужумга ўтди. Биринчи ва иккинчи бўлимларда аниқ зарбалар билан очко тўплади. Учинчи раунда эса

Нуржон Смановнинг қўли банд келди. Ҳакамлар 9:6 ҳисобида Наримон Отаевни ғолиб деб топдилар.

Вакиллариимиздан 48 килограммгача вазнда Дилшод Йўлдошев, 54 килограммгача вазнда Темир Туляков, 57 килограмм вазнда Дилшод Каримов, 60 килограммда Маматқодир Абдуллаев, 63,5 килограммда Норкул Султонов, 71 килограммда Карим Тўлаганов, 75 килограммда Дилшод Ёрбеков, 81 килограммда Темир Иброҳимов, 91 килограммда Руслан Шагаев ва оғир вазнда Жалил Сайфуллаевлар финалга чиқдилар.



Суратларда: Беш мамлакат терма жамоалари.

ЭЪЛОВЛАР

ТОШКЕНТ — ХАЛАП — ТОШКЕНТ

(сайёхлик чартер рейси)
"СЕМСАР С" сайёхлик фирмаси ХАЛАП (Сурия) шаҳрига шоп-тур сафарига

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сайёхлар уч ва тўрт юлдузли меҳмонхоналарда яшайдилар, улар сайёхлик-экскурсия хизматидан баҳраманд бўладилар, озиқ-овқатлар билан таъминланадилар. Тулов — сўм билан.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-а" уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: 41-51-51, 41-59-92.

"СЕМСАР С" ФИРМАСИ ХИЗМАТИ — юксак намунали хизмат ва кўнгилли хордиқ чиқариш кафолатидир.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Манзилими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 32-57-27.

Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилигини учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Фойдаланилмаган мақолаларга ғамма жавоб қайтарилмайд.